

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОИРОВА ГУЛИ ИБРАГИМОВНА

**ЎЗБЕК НУТҚИЙ МУЛОҚОТИДА
СИСТЕМАВИЙЛИК ВА ИНФОРМАТИВЛИК**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

УДК: 398(09)894.322ўзб.-1(575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of doctor of philosophy(PhD)
on philological sciences**

Тоирова Гули Ибрагимовна

Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик 3

Тоирова Гули Ибрагимовна

Системность и информативность в узбекском речевом общении 23

Toirova Guli Ibragimovna

Systematicity and descriptiveness in uzbek discursive communication ... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОИРОВА ГУЛИ ИБРАГИМОВНА

**ЎЗБЕК НУТҚИЙ МУЛОҚОТИДА
СИСТЕМАВИЙЛИК ВА ИНФОРМАТИВЛИК**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil.119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Элтазаров Жўлибой Данабоевич
филология фанлари доктори, профессор

Тожиев Ёрмат
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58. fax: (99871) 246-53-21; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.)

Диссертацияси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (8-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида прагмалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида эътироф этилиши, объекти сифатида мулоқот тизимининг олиниши тилнинг тадқиқ қамровини кенгайтириб, таълим жараёнига ҳам бевосита таъсир кўрсата бошлади. Зеро, тилнинг ички имкониятлари ёш авлоднинг ижодий тафаккурини шакллантиришда, уларни миллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда, фикр алмашиш, алоқа-муносабат жараёни самарадорлигини таъминлашда асосий восита вазифасини бажаради.

Жаҳон прагмалингвистикасининг тилшуносликдаги ўрни, *прагматик система* тушунчаси, шунингдек, унинг таркибий қисмлари муносабати, прагматик системанинг ассоциатив системалар билан алоқаси, *нутқий бирлик ~ мулоқот бирлиги* тушунчаларининг ўзаро муносабати нафақат ўзбек, балки жаҳон тилшунослигида ҳам мунозарали, ҳали кун тартибига қўйилмаган, ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Таъкидлаш жоизки, прагматик системанинг табиати, парадигматик системалар билан ўхшашлик ва фарқлилиги масаласи миллий тилшуносликларда ўрганилмаган. Шунинг учун ўтган асрнинг учинчи чораги (60 – 70-йиллар)да лисоний восита ва ҳодисалар сираси структур тилшунослик тамойиллари асосида аниқланиб, етарли даражада тавсифлангач, асосий эътибор бу ҳодисалар (лисоний бирлик)нинг нутқда қўлланиши ва улардан қай йўсинда самаралироқ фойдаланиш йўллари аниқлашга қаратилди. Структур тилшунослик лисоний парадигмаларни тадқиқ қилиш, яъни ўзаро ўхшаш ҳодисалар сирасини ажратиш, ахборот қиймати, лисоний тизимдаги мавқеи, вазифаси бир хил ҳодисаларни соф лисоний нуктаи назардан айна бир парадигмага ёки сирага бирлаштириш билан шуғулланади. Тил тизимида бу ҳодисалар бир хил қийматга эгаллиги сабабли улар орасидаги жузъий фарқлар тизим учун сезиларсиздек туюлади. Лекин тил тизимида бир ҳодиса учун бир неча бирлик мавжудлиги бу бирликларни қайсидир жиҳати билан ўзаро фарқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Мустақиллик йилларида тил ва маданият муштариклиги масаласининг долзарбланиши тил маданиятини юксалтиришга, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашига, тафаккурни янгилашга бўлган эҳтиёжи натижасидир. Зеро, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши уни янги-янги босқичларда ҳар томонлама ўрганишга ва ўргатишга кенг йўл очиб берди. Шу билан бир қаторда, ўзбекона нутқ жараёнининг стилистик, социолингвистик, психолингвистик жиҳатларини илмий асослаш ҳам галдаги муҳим вазифалардандир. «...Илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа»¹ эканлиги ҳар бир фан соҳасида, жумладан тилшуносликда ҳам чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Бу борада ўзбек нутқий

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

мулоқотининг системавий ва информатив хусусиятларини аниқлаш прагматик системанинг табиати ва унинг парадигматик система билан муносабатларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа тилшунослигида 1970-йиллардан бошлаб лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиш хусусиятларини ўрганишга эътибор кучайди. Инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсирида намоён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният, нутқий фаолият муаммосига алоқадор масалалар роман-герман тиллари мисолида П.Грайс, Дж.Р.Серль, Д.Франк, Т.А.Дейк² каби йирик олимлар томонидан амалга оширилган бўлса, лингвистик прагматиканинг шаклланиши натижасида семантика ва прагматика муаммолари изчил фарқланди ҳамда икки назарий концепцияни ажратиш лозимлиги Н.Д.Арутюнова, В.В.Богданов, Н.И.Формановская, А.А.Акишина, М.С.Каган³ каби рус тилшунослари тадқиқотларида аксини топди. Ўзбек

² Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – Москва: Прогресс, 1985. – С. 217-237; Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной литературе. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 151-169; Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике. / В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1989. – С. 363-373; Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: Прогресс, 1989. – 311 с;

³ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 5-32; Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. – С. 18-25; Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Москва, 1979. – 50 с; Акишина Н.А. Русский речевой этикет. – Москва: Русский язык, 1975; Каган М.С. Мир общения. – Москва: Политиздат, 1988. – 138 с; Бушуй А.М. Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А.С.Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана. – Бишкек, 1999. – № 5-6. – С. 143-155.

тилшунослигида С.Иброимов, Ғ.Абдурахмонов, И.Қўчқортоев, Р.Қўнғуров⁴, мустақиллик йилларида Ш.Сафаров, С.Мўминов, М.Ҳақимов⁵ каби қатор олимлар томонидан нутқий мулоқот стилистик, социолингвистик, психолингвистик жиҳатдан асосланди. Бироқ жаҳон тилшунослигида ҳам мулоқот жараёнида нутқий бирликлар билан қўлланиб, мулоқот самарасига кучли таъсир этадиган ҳамроҳ бирликлар – нолисоний воситаларга етарли даражада эътибор берилмади, уларнинг системавийлиги ва информатив қиймати эса махсус ўрганилмади.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари саналган ўзбек ва жаҳон тилшуносларининг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, уларнинг қарашларига муносабат билдирилди ва тадқиқотда нутқий мулоқот прагматик система сифатида махсус тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Тилнинг ижтимоий ва замонавий тараққиётини ўрганиш» (2011 – 2016 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нутқий мулоқотнинг муҳим инсоний фаолият тури сифатида ўзига хос ситуатив-прагматик система эканлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ситуатив-прагматик система (СПС) тушунчасини асослаш;

СПС таркибий қисмларини ажратиш, унинг таснифи ва тавсифини бериш;

ситуатив-прагматик системанинг ассоциатив парадигмалар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятларини аниқлаш;

СПСнинг график ифодаси бўлган изосайн илмий тушунчаси ва унинг илмий-амалий аҳамиятини асослаш;

нутқий мулоқот системаси хусусиятлари тавсифини ўзбек адиблари бадиий нутқи воситасида далиллаш.

Тадқиқот объекти сифатида ўзбек нутқий мулоқоти ва унинг бадиий тавсифи танланган.

Тадқиқот предметини прагматик система, бу системанинг таркибий қисмлари ҳамда улар орасидаги муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида рационал-типологик, қиёсий-чоғиштирма, психологик, субстанциал, дискурсив таҳлил усулларида

⁴ Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. -1964. -№ 5. -Б.20-23; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. -Т., 1973. - Б.51-55; Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. -Самарқанд, 1975. -240 б; Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. -Т.: Фан, 1975. -96 б.

⁵ Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. - Самарқанд: Сам.отд. из-ва им. Гафура Гуляма, 1991. - 170 с; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ра. ... дис. автореф. - Тошкент, 2000. - 20 б; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дис. - Тошкент, 1994. - 168 б; Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ра. ... дис. - Тошкент, 2001. - 283 б;

фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқий мулоқотнинг ўзига хос ситуатив-прагматик система эканлиги назарий маълумотлар билан асосланган;

нутқий birlikлар – лисоний birlikларнинг ёзма ёки оғзаки кўринишларда бўлиши, мулоқот birlikлиги эса лисоний ва нолисоний омилларнинг мулоқот жараёнида биргаликда воқеланиши каби фаркланишлар назарий хулосалар билан исботланган;

ситуатив-прагматик системани график кўринишда ифодаловчи *изосайн* тушунчасининг ижтимоий-информатив қиймати илмий-амалий жиҳатдан очиқ берилган;

нутқий мулоқот ситуатив-прагматик система сифатида ички ва ташқи омиллардан, уларнинг ҳар бири эса, ўз навбатида, бир неча ички ассоциатив парадигмадан иборатлиги асосланган;

ўзбек адабиётида нутқий мулоқотнинг тўлиқ-симметрик-узилмаган ва тўлиқ-симметрик-узилган ҳамда нотўлиқ-симметрик-узилмаган каби кўринишлари мавжудлиги мисоллар билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нутқий мулоқот таркибий қисмларида симметрия/асимметрия, тўлиқ/нотўлиқлик каби кўринишларнинг тингловчиларга таъсирини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилган ва уларнинг натижалари умумлаштирилган;

СПСнинг изосайн татбиқ намуналари асосида уни тузиш усуллари ишлаб чиқилган;

СПСнинг ички (лисоний) ва ташқи (нолисоний) омиллардан, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир неча ички ассоциатив парадигмалардан иборатлиги аниқланган;

СПСнинг барча турдаги системаларга хос бўлган марказ~қуршов қурилишига эгаллиги, унинг марказини вербал ва новербал воситалар ташкил этиши, қуршовининг турли қаватларидаги ҳар хил нолисоний ижтимоий воситалар катта аҳамият касб этиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар рационал-типологик, психологик ва комплекс таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшунослик йўналишида амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун манба бўла олиши, олий таълимнинг ижтимоий таълим соҳасида «Прагмалингвистика», «Нутқий мулоқот прагматик тизим сифатида», «Лингвопрагматика асослари», «Прагматикага кириш», «Ўзбек нутқий мулоқот одоби» каби махсус курсларни ўқишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсиялардан ёш авлодни миллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда уларга миллийлик фақат миллий тилдан фойдаланиш билан чекланмаслигини, шу билан бирга, қатъий, қотиб қолган, умуминсоний тараққиётдан узилган алоҳида ҳодиса эмаслигини, балки давр, замон билан ҳамнафас ривожланиб боришини сингдиришда; ўзи ва ўзгаларга ҳурмат руҳида камол топтиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

тинглаш – мулоқотнинг энг муҳим компоненти, тинглашнинг ҳам худди сўзлашдаги каби техникаси, усуллари: рефлексив тинглаш усули ва норефлексив тинглаш усули, суҳбатдошлар орасида мақсад уйғунлиги каби изоҳлашга оид хулосалардан Ф1-052 рақамли «Ўзбекистонда оилавий психологик хизматни ташкил этишнинг илмий-назарий ва методологик муаммолари» номли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 16 февраль ФТК-0313/165-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида самарали фойдаланишга асос бўлади;

салом бериш – кундалик ҳаётимизда энг кўп қўлланиладиган урф, саломлашиш пайтида нафақат суҳбатдошнинг насаби, қариндошлик алоқалари, ёши ва жинси, балки куннинг қайси вақти, касби ва суҳбат пайтида сўзлашаётганлар нима билан машғул эканлиги ҳам инobatга олинishi каби изоҳлашга оид хулосалардан А-1-069 рақамли «Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш» номли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрь 89-03-2698-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши ўзбек тили ва маданияти ўтмишда нақадар бой, саломлашиш усуллари эса қанчалик хилма-хил бўлганининг моҳиятини ёритиб беришга хизмат қилган.

дикурсда паралингвистик воситалар – ҳар хил имо-ишоралар, тана аъзоларининг ҳаракат ва ҳолатларининг аҳамияти, мақсад ва савияда уйғунлик бўлмаса, дикурс самарасиз бўлиши каби изоҳлашга оид хулосалардан А-1-118 рақамли «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини нашрга тайёрлаш» номли мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрь 89-03-2698-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мумтоз адабиётимизда

тингловчи ва сўзловчи симметрияси – савияларининг мувофиқлиги, уйғунлигининг моҳиятини ёритиб беришга хизмат қилган.

интродуктив акт, нутқий бирлик, мулоқот бирлиги, мулоқот турлари, дискурснинг тузилиши ва матн турлари каби 230 га яқин сўз ва сўз бирикмалари алфавит тартибида «Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Morfologiya va sintaksis» электрон дарслигида изоҳланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 ноябрь 89-03-2696-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 30 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та монография, 1 та ўқув луғати, 1 та электрон дарслик, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 38 та мақола, улардан 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нутқий мулоқотнинг прагматик тадқиқи**» деб номланган биринчи бобида тил ҳодисаларнинг структур талқиндаги лисон~нутқ дихотомияси, унда лисоний бирликлар фаолиятдан ажратиб таҳлил этилгани, тадқиқ жараёнига фаолият тамойилининг киритилиши ва нутқнинг прагматик таҳлили каби назарий масалалар ёритилган. Ушбу бобнинг «Нутқнинг этносоциопрагматик тадқиқи масаласи» номли биринчи фаслида нутқий бирликларнинг амал қилиш шароитини прагматик ўрганиш, нутқ ва мулоқот бирликларининг фарқланиши асосида нутқшунослик ҳамда унинг бир тури сифатида мулоқотшунослик – этносоциопрагматик лингвистикани фарқлаш зарурати каби масалаларга бағишланган тадқиқотлар таҳлил этилган.

Тил бирликлари кўп ҳолларда нолисоний социал-психик жиҳатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тилни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи

социал тилшуносликдан⁶ фарқли ўлароқ, лисоний бирликларнинг нутқда яшаш шарт-шароитлари қуршовида ўрганувчи махсус фан – лингвистиканинг янги соҳаси социолингвистика шаклланди⁷. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб социолингвистика ғарб тилшунослигида етакчи ўрин эгаллай бошлади.

Социолингвистик тадқиқотларда лисоний бирликларни қўллаш нафақат нутқ шароити, воситаси каби ижтимоий ҳодисалар билан, балки сўзловчи ва тингловчи шахсияти ҳамда руҳияти, ҳар бир халқ, миллат, ҳатто, ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос этнографик жиҳатлари билан ҳам боғлиқлиги аниқланди⁸. Масалан, бировга салом берар эканмиз, одоб нуқтаи назаридан қўлни кўкракка қўйиб, бошни сал эгиб, таъзимга яқин ҳаракат қиламиз. Бу – ўзбек урф-одати. Бунда нолисоний восита билан бирга, албатта, «Ассалому алайкум!» лисоний бирлиги ҳам ишлатилиши зарур. Демак, нутқни лисоний ва этик-этнографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш социолингвистиканинг янги тармоғи – этносоциопрагматингвистиканинг вазифасидир.

Бобнинг «Нутқни жараён сифатида ўрганишда дискурснинг ўрни» деб номланган иккинчи фаслида нутқий бирликнинг воқеланишини дискурс доирасида ўрганиш зарурлиги ҳақида фикр юритилган.

Ҳар қандай фаолият ўзининг амалий аҳамияти билан эътиборли экан, сўзловчи ва тингловчининг бир-бирига таъсири, мақсадларининг юзага чиқиш даражаси ҳам мулоқот жараёнининг самараси бўлиб, прагматик қийматга эгаллиги билан характерланади.

Нутқий бирликларни мулоқот бирликлари (нутқий бирлик ва унинг воқеланиш шароити қуршови)дан фарқлаш зарурати структурализмда нутқий ва лисоний бирликларни яшаш шароитидан ажратиб тадқиқ этиш натижасида юзага келди. Прагматикада нутқий бирликнинг воқеланиши дискурс – нутқий мулоқот жараёни, коммуникаторларнинг ўзаро фикр алмашиш ва бир-бирига таъсир ўтказиш фаолияти доирасида тадқиқ қилинади. Нутқни жараён сифатида ўрганиш мулоқот тизимидагина амалга оширилиши мумкин.

Бобнинг «Нутқий мулоқот тизимида прагматик ёндашиш» деб номланган учинчи фаслида прагматиканинг тилшуносликка муносабати, унинг тадқиқ манбаи, алоҳида-алоҳида элементларнинг нутқ шароити учун зарур бўлган ягона тизимга – мулоқот тизимида бирлашиши каби масалалар илмий асослаб берилган.

XX асрнинг 70-йилларидан кейин тилшуносликда прагматик йўналиш кенг тус олди, прагматика, прагматик лингвистика, прагматингвистика, прагмафонология, прагмафонетика, прагмаграмматика, прагмасинтаксис

⁶ Звегинцев В.А. История языкознания XIX–XX вв. в очерках и извлечениях. Часть 1. – Москва: Просвещение, 1964. – С. 412-416; Сиротинина О.Б. Разговорная речь // Вопросы социальной лингвистики. – Ленинград, 1969. – №4. – С.373-391; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – Москва: Наука, 1987. – 240 с; Дешериев В.М. Социальная лингвистика: К основам общей теории. – Москва: Наука, 1982.

⁷ Лингвистический энциклопедический словарь. / Гл. ред. В.Н. Ярцева. – Москва: Советская энциклопедия, 1990.

⁸ Герд А.С. Введение в этнолингвистику / А.С.Герд. – СПб.:СПбГУ, 2009. – 360 с; Коновалова Н.И. Этносоциолингвистика: учебное пособие / Н.И. Коновалова. – Екатеринбург: УрГПУ, 2006.

каби янги терминлар ва бу терминлар остида тил ҳодисаларига янгича ёндашиш, уларни янгича талқин қилиш билан боғлиқ бўлган тушунча ҳамда таҳлил усуллари оммалашди. Бу борада М.Ҳакимовнинг илмий ишлари ва Ш.Сафаровнинг «Прагмалингвистика» монографияси ўзбек тилшунослигида ҳам таништирувчи, ҳам умумлаштирувчи тадқиқотдир⁹.

Прагматиканинг тилшуносликка муносабати ҳақида фанда хилма-хил қарашлар мавжуд. Айрим тилшунослар, чунончи, австриялик Вольфганг Дресспер «прагматика тилшуносликка алоқадор эмас» деб ёзади¹⁰. Прагматика (прагмалингвистика мазмунида) – тилшуносликнинг бир тармоғи, аниқроқ айтганда, лисоний бирликларнинг нутқ жараёнида бошқа нолисоний воситалар билан бирга қўлланишини ва нутқий мулоқот самарадорлигини нутқ шароити ҳамда вазияти билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи йўналиши. Нутқий мулоқот – коммуникантларнинг бир-бирига таъсири ва унинг самараси – прагматилингвистиканинг тадқиқ манбаи, бу жараёнга тизим сифатида ёндашиш эса бу йўналишнинг асосий тадқиқ усулидир. Шунинг учун прагматика тилшунослик билан бевосита алоқадор – унинг бир тури бўлган прагмалингвистика нутқий бирликларнинг ўзинигина эмас, балки уларни қўлланиш қуршовида, алоқадорликда ўрганади.

Бобнинг «Нутқий мулоқот ва унинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган тўртинчи фаслида нутқий мулоқотнинг мураккаблиги, НМда лисоний (вербал) ва нолисоний (психологик, этик, эстетик, этнографик ва ҳ.) таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлашуви, НМнинг СПС табиатли эканлиги, нутқ бирлиги шу СПСнинг таркибий қисмларидан бири мавқеида бўлиши, бу мураккаб, нисбатан қисқа (оний) ва муайян бир даврда воқеланадиган прагматик тизим лаҳзалик бўлишига қарамай, ўзига хос босқичларга эгалиги, бунда сўзловчи ва тингловчи босқичи бирмунча фарқланиши илмий асослаб берилган.

НМ – ўзига хос система. У таркибий қисмлардан иборат. Системанинг умумий қонунларидан келиб чиқиб, бу таркибий қисмлар таъсирчанлик ва ахборот бериш жиҳатидан ўзаро уйғунлашиши шарт ва зарур. НМнинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдириб, марказий бирликда мужассамлашаётган ёки яширинган маъно-моҳият, мақсадни ойдинлаштириб, тўлдириб келади ва алоҳида информатив¹¹ қийматли бўлишни таъминлайди. Боб якунида тегишли хулосалар ўз ифодасини топган.

Прагмалингвистика – тилшуносликнинг мулоқотни лисоний ва этик-этнографик ҳодиса, муайян шароит ва мақсад нуқтаи назаридан коммуникантларнинг бир-бирига таъсир фаолияти сифатида тадқиқ этадиган янги тармоғи.

⁹Ҳакимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1994; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – Б. 3-4; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ра. ... дис. – Тошкент, 2001.

¹⁰ Dressper W. Einfuhrung in die Textlinguistik. – Tubingen, 1973. – P. 4.

¹¹ «Информатив» сўзи «информация» сўзидан олинган бўлиб, «тушунтириш, огоҳ ёки хабар қилиш, маълумот-ахборот бериш» маъноларини билдиради. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: ЎМЭ ДИН, 2006. –Б.220)

Лисоний бирликларнинг воқеланиши сифатидаги нутқий бирликларнинг қандай шароитда, ким томонидан, қай мақсадда ва нималар ҳамроҳлигида қўлланишини тадқиқ этиш мақсадида нутқий мулоқотга прагматик система сифатида муносабатда бўлиш – долзарб масала.

Нутқий мулоқот – лисоний (вербал) ва нолисоний (этик, эстетик, этнографик) таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган ситуатив прагматик бутунлик.

Ишнинг «**Нутқий мулоқотнинг таркибий қисмлари ва уларнинг парадигматикаси**» деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат. Унда мулоқот таркибий қисмлари таснифи муаммолари, НМнинг ташқи (мақсад, вазият ва ҳолат, миллий (этник), маданий (этик) каби) ва ички (лисоний вербал воситалар, паралингвистик унсурлар, кинетик ва фонацион каби) парадигмалари илмий асослаб берилган.

Бобнинг «Нутқий мулоқот таркибий қисмларининг таснифи» деб номланган биринчи фаслида мулоқот жараёнининг турли лисоний ва нолисоний омиллар бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим эканлиги, мулоқот жараёнида бундай турли сатх, тизимларга мансуб элементлар бирлашиб, мулоқот тизимини ташкил этиши назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ва НМнинг таркибий қисмлари таснифланган.

Объектив борликдаги ҳар қандай нарса/воқеа/ҳодиса/белги-хусусият/алоқа-муносабатга турли жиҳатдан ёндашиш ва тасниф этиш мумкин. Ишда нутқий мулоқот ва унинг таркибий қисмлари ҳақида Н.И.Формановская¹², М.С.Каган¹³ ҳамда С.Мўминов¹⁴лар берган таснифларга муносабат билдирилган. Албатта, ҳар бир тасниф мулоқотнинг янги бир қиррасини очиб бериши ва бир-бирини тўлдириши билан аҳамиятли. Уларга таянган ҳолда субстанциал талқин нуқтаи назаридан «нутқий мулоқот мазкур таснифларнинг барчасида ажратиб тавсифланган хусусият ва муносабатларнинг мажмуи, йиғиндиси» деган хулосага келинди. Нутқий мулоқотнинг моҳияти бу таснифларда ажратилган белгилардангина иборат эмас, уларда ҳали очилмаган ҳамда бу таснифга киритилиши мумкин бўлган юзлаб қирра, томон, муносабат ва алоқадорликлар мавжуд. Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг таснифлари асосида НМнинг таркибий қисмлари ташқи ва ички омилларга бўлиниб, уларни тизим сифатида таҳлил этиш зарурлиги илмий асослаб берилди.

Ташқи омиллар мулоқотнинг мақсади, нутқий ҳолат, нутқий вазият, этик-этник каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

Ички омил икки тур воситалар мажмуидан иборат: а) лисоний вербал воситалар (сўз шаклидаги сегмент бирликлар – нутқда воқеланган сўз, турғун бирикма, ибора, сўз бирикмалари, гап); б) новербал воситалар (кинетик (тана аъзоларининг ҳар хил ҳаракатлари) ва мимик (юз ва аъзоларининг ҳаракат-ҳолати) кўринишлари). Новербал воситалар СПСда вербал воситалар билан

¹²Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – Москва: Высшая школа, 1989. – С. 8-10.

¹³Каган М.С. Мир общения. – Москва: Политиздат, 1988.

¹⁴Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ра. ... дис. – Тошкент, 2000. – 235 б.

тенг қийматли, шунинг учун уларни нолисоний деб баҳолаш НМ назарияси нуқтаи назаридан маъқул эмасдек ва уни шу жиҳатдан махсус тадқиқ қилиш лозим; вербал ва новербал воситалар орасидаги фарқ, асосан, шаклий ифодасида – вербал воситалар сегмент (бўлинувчан) бирликлар, новербал воситалар эса суперсегмент, супрасегмент, асегментор (бўлинмас) бирликлар билан ифодаланади.

Бобнинг «[СПС]нинг ташқи омил таркибий қисмлар парадигмалари» деб номланган иккинчи фаслида НМнинг ташқи омиллари (мулоқот мақсади, ҳолати, вазияти, коммуникантларнинг жинси, ёши, савияси, табиати, миллати)нинг ҳар бири ўз парадигмасига, ҳар бир парадигма бир неча элементга ва ҳар бир элемент умумий парадигматик маъно билан бирга ўзига хос хусусий ифода қиймати (информативлик)га эга эканлиги, муайян шароитда бу парадигмалардан қайси бирининг воқеланиши кўплаб бошқа омиллар билан белгиланиши асосланган.

НМнинг таркибий қисми бўлган нутқий вазият мулоқот шакли ҳамда воситаларини танлаш ва белгилашда алоҳида моҳият касб этади. Т.А.Дейк коммуникатив вазият учун замон ва макон муҳим эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Гавжум кўчада мен нотаниш киши билан саломлашмаган бўлар эдим, лекин кимсасиз тоғда ёки оролда ёлғизоёқ сўқмоқда нотаниш кимсани учратиб қолсам, салом-алик қилишим турган гап»¹⁵. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги қайнота-келиннинг илк бор кўришиши тасвирига диққатни қаратсак: «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб *бўйин эгди*. *Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди* ва Кумушнинг *манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди*» (Қодирий Абдулла, «Ўтган кунлар»). Мисолдаги «*бўйин эгмоқ*», «*елкасига қоқиб суймоқ*», «*манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпмоқ*» каби ҳолатлар ўзбек миллатига хос маданий одатлар этник-этик информацияни ўзида мужассам этади. НМнинг ташқи таркибий қисмлари: миллий (этник) ва маданий (этик) хусусиятлар нутқий вазият билан боғлиқлигидан далолат.

Бобнинг «[СПС]нинг ички омил таркибий қисмлари парадигмалари» деб номланган учинчи фаслида НМнинг ички омиллари сифатида таснифланадиган таркибий қисмлар вербал ва новербал гуруҳга ажратилган. НМнинг вербал воситалари, ўз навбатида гап, сўз бирикмаси ва сўз каби бирликлар сифатида воқеланади ҳамда бу воситалар бир неча парадигмани ўз ичига олади. Масалан: «Саломлашиш» вербал воситалар парадигмаси, жумладан:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху!

Ассалому алайкум!

Ассалом!

Салом!

.....

НМнинг саломга жавоб (алик олиш), сўрашиш, сўрашишга жавоб босқичлари ҳам ўзига хос парадигмаларга эга.

¹⁵ Дейк Т.А.Ван. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: Прогресс, 1989. – С. 24.

Вербал воситалар каби новербал воситалар ҳам бир неча ички парадигмага эга. Новербал воситаларнинг миллий ўзига хосликлари, нутқий жараёндаги ўрни, аҳамияти, ишлатилиши, уларнинг вербал ифодалари атрофлича ўрганилган¹⁶. Новербал воситаларнинг коммуникантлар жинси, ёши, ижтимоий вазифаси билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида С.Мўминовнинг ишларида¹⁷ фикр билдирилган бўлса-да, новербал бирликлар парадигмаси ҳамда уларнинг информатив қиймати, НМнинг таркибий қисмлари бутунликда, бир ситуатив системанинг қисмлари сифатида, ўзаро боғланишда махсус тадқиқ этилмаган. Паралингвистик ҳодисалар сифатида лингвистикадан четга чиқариладиган бундай ҳодисаларни «тилнинг новербал, асегментор, бўлинмас, қолаверса, нофонетик ифодаланиши» деб таҳлил этиш, булардан фойдаланишни нутқнинг бир шакли сифатида қабул қилиш лисон/нутқ дихотомияси талабларига тўла мос келади. Зеро, бу воситалар вербал воситалар билан ифодаланиши мумкин бўлган информатив қийматга эга. Шундай экан, бундай воситаларни¹⁸ лисоний новербал воситалар сифатида қараш тарафдоримиз.

НМнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ички парадигмалари умумий системани ташкил этиб, информатив қийматга эга эканлиги 1-иловада умумлаштирилган.

Боб якунида тегишли хулосалар берилган.

Нутқий мулоқот СПС сифатида ички ва ташқи омиллар бутунлигидан ташкил топади.

СПСнинг ташқи парадигмаси жамият, коммуникантлар, мулоқот мақсади, шарт-шаротларининг ўнлаб хусусияти билан узвий боғлиқ ранг-баранг омиллардан иборат, улардан ҳар бирининг ўзига хос воситалари мавжуд.

СПС ички омиллари қуйидаги воситалар мажмуидан иборат:

а) вербал воситалар сўз шаклидаги сегмент бирликлар бўлиб, улар нутқда вокеланган сўз, турғун бирикма, ибора, сўз бирикмалари, гап шаклларида бўла олади;

б) новербал воситалар кинетик ва мимик кўринишларга эга. Вербал воситалар сегмент бирликлар билан, новербал воситалар асегментор бирликлар билан ифодаланади.

СПС таркибий қисмларининг ҳар бир тури ўз ассоциатив парадигмаларига эга, улар ассоциатив системага хос қонуниятларга бўйсунди, шунинг учун СПС таркибида ҳар бир ассоциатив система элементидан фақат биттасигина қатнаша олади.

¹⁶ Николаева Т.М. Невербальные средства человеческой коммуникации и их место в преподавании языка // Роль и место страноведения в практике преподавания русского языка как иностранного. – Москва: Изд-во Московского университета, 1969. – С. 97-110; Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. – С. 76; Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1990; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993. – 26 б.

¹⁷ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ра. ... дис. – Тошкент, 2000. – 235 б.

¹⁸ Буларнинг ўзбек нутқида қўлланадиган турларининг нисбатан тўлиқ рўйхати А.Нурмонов ва М.Саидхоновнинг юқорида санаб ўтилган ишларида берилган.

СПСнинг таркибий қисмлари ўзаро қўшимча дистрибуцияда бўлади ва бир-бирининг информатив қийматини такрорлаб, янги жузъий жиҳат билан тўлдиради, «безаб» келади. Шунинг учун СПС – моҳиятан гетероген, лекин умумий ижтимоий-информатив қийматга молик бирликлардан тузилган тизим.

СПС оний (ситуатив, қисқа муддатли) бўлса ҳам, у метадикурс босқичида ажратиладиган ва дискурснинг муайян кўринишларида воқеланадиган барқарор структурага эга.

Диссертациянинг «**Ситуатив-прагматик системанинг воқеланиши ва унинг график ифодаси**» деб номланган учинчи бобида СПСда иерархик марказ ва қуршов муносабатлари, СПС таркибий қисмлари орасидаги симметрик ва асимметрик ҳолатлар, СПСнинг график ифодаси бўлган изосайнлар, НМнинг бадиий адабиётда берилиши масалалари кўрилган.

Бобнинг «СПСда марказ ва қуршов муносабатлари» деб номланган биринчи фаслида марказ ва қуршов муносабатлари, системанинг марказий элементлари қуршов унсурларини ўзига бўйсундириб туриши¹⁹, НМнинг лисоний ва нолисоний, ички ва ташқи омиллари СПСга бирлашиши, системанинг марказини лисоний вербал воситалар эгаллаши илмий асосланган. Масалан:

– *Мавлоно, бир кимса ҳузурингизга кирмоқчи.*

– *Ким?*

– *Кийими увада, ўзи баҳайбат бир йигит. «Жиянлари бўламан» – деди, аммо мен сиздан берухсат киргизмадим.*

– *Жияним? Шошманг-чи! – деб мавлоно ўрнидан турди. Яланг оёғига чарм ковуш кийиб, ярим очиқ дарвозанинг олдига борди.*

Олача тўни ҳам, оёғидаги чанг босган чориги ҳам йиртилиб кетган новча бир йигит кўзлари ялтираб, кулимсираб унга қараб юрди. Қадам олишиши, қараши жуда таниш. Йигит:

– *Мулла тоға! Ассалому алайкум! – деб қучоқ очганда, мавлоно унинг овозини таниди-ю:*

– *Тоҳир! Тоҳиржон, – деб, у билан қучоқлашиб кетди (Пиримқул Қодиров, «Юлдузли тунлар»).*

Бу мисолда қўлланган «*Ассалому алайкум!*» лисоний вербал воситасидан кўриниб турибдики, мулоқот жараёнининг ядровий марказий унсури лисоний омил, у шу тизимнинг деярли барча информатив ва этик-эстетик қийматини ўзида сингдирган, имплицит шаклда мужассамлаштирган. Мулоқот лисоний бирлигини танлаш сўзловчининг шахсияти, руҳияти, савияси, ёши, жинси, адресат кимлигини ҳисобга ола билиши ва ҳоказолар билан боғлиқ. Сўзловчи мана шу омилларни назарда тутиб лисоний воситани танлайди.

Бобнинг «Изосайн – СПСнинг график ифодаси» деб номланган иккинчи фаслида СПС таркибий қисмларининг ўзаро мувофиқлашуви ва

¹⁹ Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг таракқиёти: Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2004. – 25 б.

уйғунлашуви, яъни информатив қийматида симметрия кузатилиши, тингловчи савиясини синаш, асл мақсадни коммуникантлардан яшириш орқали СПС таркибий қисмлари орасида асимметрия таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши, бадиий тасвирида, адиб мақсад ва услубига мувофиқ, унинг таркибий қисмларини нафақат тўлиқ ёки нотўлиқ очиш, балки тавсифни узилган ва узилмаган шаклда бериш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

СПСнинг таркибий қисмлари информатив қийматида симметрия – ўзаро мувофиқлашув, уйғунлашув кузатилади. Аммо НМ таркибий қисмлар симметрияси билан бирга, баъзан уларнинг асимметрияси, яъни НМ таркибидаги айрим қисмлар унинг бошқа таркибий қисмларига ижтимоий-информатив қиймат жиҳатидан уйғун, мос бўлмаслиги ҳам мумкин (ташқи кўринишидан башанг европаликнинг ўзбек адабий тилида сўзлашиши ёки аксинча). Асимметрия мулоқотнинг қуршов/хамроҳ таркибий қисмларида бўлса, одатда, у мулоқот жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Асимметрия марказ/етакчи компонент таркибида бўлса, салбий таъсир қилади. Тажриба-синов ишларидаги икки ҳолатни қиёслаб кўрайлик: Батамом замонавий европача кийим ва кўринишдаги қиз ўзбек расм-русумларига мос равишда (ўнг қўлини кўксига қўйиб, ҳаё билан бошини эгиб, кичик таъзим билан) тингловчиларга «*Ассалому алайкум*» деб саломлашганда, барча тингловчиларнинг чеҳраси ёришиб кетди. Бу манзара таҳлил қилинганда, тингловчилар «*Суратига эмас, сийратига боқ*» деб баҳоладилар. Аксинча, миллий ўзбек урф-одатига кўра кийинган қиз тингловчиларга бақрайиб «*Привет!*» деганда уларда салбий муносабат яққол кўзга ташланди.

НМ, асосан, симметрик информатив муносабатли турли ассоциатив парадигмаларга мансуб элементларнинг СПС бутунлиги бўлгани боис уни график шаклда бериш (чизиқлар воситасида тасвирлаш) мумкин. Шу боисдан прагматика НМ тизими талқини учун **изосайн** тушунчасини тақозо этади. Изосайн, ассоциатив моҳиятига кўра, турли парадигмаларга мансуб, лекин ўхшаш, бир хил ижтимоий-информатив қийматга эга бўлган дискрет элементларни бир прагматик системага бирлаштирувчи ва шу бирлашувни график акс эттирувчи чизиқ. Ўзича нисбатан мустақил ситуатив-прагматик система бўлган НМни таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш ва бу ситуатив тизимнинг бутунлигини кўрсатиш учун изосайн жуда қулай ва муҳим қиммат касб этади. НМ таркибий қисмлари орасида симметрик ва асимметрик муносабатлар изосайнларда ўз аксини топиб, информатив қийматга эга бўлади.

Бобнинг «СПСнинг бадиий ифодаси» деб номланган учинчи фаслида бадиий адабиётда персонажларнинг нутқий мулоқоти тасвири уларнинг характерларини очиб беришнинг муҳим омили эканлиги ўрганилган. Бадиий тасвирда СПСнинг қуйидагича тасвир усуллари фарқланган:

- 1) тўлиқ-симметрик-узилмаган;
- 2) тўлиқ-симметрик-узилган;
- 3) тўлиқ-асимметрик- узилмаган;
- 4) тўлиқ-асимметрик- узилган;

- 5) нотўлиқ-симметрик-узилмаган;
- 6) нотўлиқ-симметрик-узилган;
- 7) нотўлиқ-асимметрик-узилмаган;
- 8) нотўлиқ-асимметрик-узилган

